УДК: 811.133.1’362

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МАКОН ДЕЙКСИСИНИНГ УСЛУБИЙ ХОСЛАНИШИ

М.С. Ишанжанова

Мақолада стилистик шаклларнинг матнларда қўлланилиши ва уларнинг дейктик хусусияти ҳақида олимларнинг назарий фикрлари келтирилган. Шунингдек, француз ва ўзбек тилларидаги матнларда референтнинг эндофорик ва экзофорик боғловчи сифатида қўлланилганда бирламчи, иккиламчи дейксисларни ҳосил қилиши, дейктик марказни аниқлашда анафора ва катафоранинг ўрни ҳамда локатив семадаги адессив, аллатив, аблатив хусусиятлари мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар*: стилистика, нутқ услублари, анафора, катафора, эпифора, референт, эндофорик, экзофорик муносабат*

В статье представлены теоретические взгляды ученых на важность стилистических форм в их применении в текстах и их дихтическую природу. Кроме того, в текстах на французском и узбекском языках, когда референт используется в качестве эндофорного и экзофорного связующего, на основе примеров анализируется формирование первичной, вторичной дихотомии, роль анафоры и катафоры в определении центра дихотомии, а также адессивные, аллативные, аблятивные свойства локативной семы.

Ключевые слова: *стилистика, стили речи, анафора, катафора, эпифора, референт, эндофорическое, экзофорическое отношение*

Кириш

Ҳар бир сўзловчи тингловчига фикрини содда, ихчам, аниқ, тушунарли етказа олиш мақсадида ўзи хоҳлаган тил воситаларни танлаб нутқий актини баён қилади. Тил воситаларининг турличалиги ҳар бир нутқнинг ўзига хослигини таъминлайди. Матнларда илмий, расмий, сиёсий, адабий, сўзлашув восита бирликларни ўринли қўллаш стилистик ва нутқ маданияти билимларига ҳам эга бўлишни тақозо этади.

Стилистика тил воситаларининг нутқ услубига хосланиш даражасини, сўзларнинг бўёқдорлик хусусиятига кўра матнларда қайси бирини қўллаш мувофиқ эканини ўрганувчи соҳа бўлиб, шунингдек, нутқ маданияти масалаларини ҳал қилишда назарий ва амалий асос ҳисобланади [1. Б. 3].

Стилистиканинг амалий аҳамияти тил нормалари билимини пухта эгаллаш билан белгиланиб, сўзловчидан сўзларни услубий мослаб қўллаш маҳоратини талаб этади. А.Мамажонов ва Г.Розиқова стилистик масалаларни ўрганишда, аввало, индивидуал стилистик таҳлилдан бошлаш маъқул эканини таъкидлаб, Ш.Балли: “Стилистика – бу инсоннинг ўзи”, дея тўғри изоҳлаганига урғу берадилар [2. Б. 70]. Бу изоҳ стилистиканинг мақсади тил бирликларини антропонимик жиҳатдан ҳам чуқур таҳлил қилишини кўрсатади.

XX асрнинг иккинчи ярмида матн тилшунослиги таркибида анафора, катафора каби стилистик шакллар кенгроқ ўрганила бошланди. Матн категорияларидан ҳисобланган стилистик шакллар боғланганлик вазифасини бажариши билан ҳам аҳамиятли саналади. Бир гуруҳ тилшунослар анафора, катафора дейксис ҳодисаси билан боғлиқлигини

таъкидлашади. Улар дейксисни воқелантириш, яъни сўзларнинг умумий маъносини муайян макон ва замонга мослаштириш усули сифатида таърифлайдилар [3. Б. 3].

Лингвистик тадқиқотларда объект мулоқот матни ва матндан ташқари жараёнда мавжуд бўлиши мумкинлиги айтиб ўтилади. Референтни маконлаштириш назарияси тарафдорлари М.А.К.Халлидей ва Р.Хасан эндофора (endophore)ёки анафорик бирлик референти дискурсив майдондан ташқарида жойлашган вазиятли референция ўртасидаги фарқни кўрсатишга ҳаракат қилдилар [4]. Олимлар анафора ва катафорани эндофоранинг таркибий қисми сифатида қараб, дейксисни унга зид қўядилар. Анафорик бирлик референтини аниқлаш учун мос антецедентни излаш керак бўлса, дейктик бирлик референтини очиб бериш учун унга мос келадиган бевосита экстралингвистик вазиятдаги муқобил ҳолатни топиш керак деб ҳисоблашади [4]. С.Мармариду ҳам дейксис ва анафорага икки хил ҳодиса сифатида қарайди [5. Б. 322] Г.А.Шамова анафорани дейксисга қараганда кенгроқ тушунча деб билади [6. Б. 19]. Дейксис ва анафора ўртасида чегара мавжуд, лекин улар ишора кўрсатиш хусусиятига кўра маълум бир нуқтада кесишади деган қарашлар ҳам мавжуд. Н.Д.Арутюнова бу фикрлардан уларнинг табиатини бир хил изоҳланишидан келиб чиқиб, дейксис субъектив, анафора объектив ҳодиса деб баҳолайди [7. Б. 238]. Д.Кисёлов референция илмий тараққиёт натижасида фақатгина матн таркибида эмас, дискурс таркибида ҳам ўрганиш кераклигини таъкидлайди. Олим агар референт матнда аввалдан маълум бўлса, у муаллиф ва иштирокчиларга таниш, аҳамиятли бўлса, гап анафора ҳақида боришлигини айтади [8. Б. 19].

Материал ва усуллар

Француз ва ўзбек тилларида макон дейксис услубий хосланиши масаласининг тадқиқи учун тилшунос олимлар М.А.К.Халлидей, Р.Хасан, С.Мармариду, Н.Д.Арутюнова, Д.Кисёлов ва Н.Сулаймоноваларнинг дейксис ва стилистик шакллар ҳақидаги қарашларига таянилди ва дейксиснинг ҳар икки тилдаги ўзига хос услубий хусусиятлари бадиий матнлардан олинган мисоллар асосида очиб берилди.

Муаммони ўрганишда қиёсий-типологик таҳлил усулидан фойдаланилди.

Натижалар ва муҳокама

Услубий хосланишига кўра референтнинг икки хил тури мавжуд: а) эндофорик, б) экзофорик [9. Б. 489–518]. Эндофора матн ичига тааллуқли бўлган сўз ёки жумла саналади. Анафора ва катафора эндофорик муносабат турларидир.

Бадиий услуб – бўёқдор, кўчма маъноли сўзлардан ва бошқа услубга хос атамалардан ҳам фойдалана олиши ҳамда тасвирий воситалар, услубий шакллар каби белгилари билан ажралиб туради. Услубий шакллардан анафора, катафора, эпифора каби шакллар қўлланилишига бадиий нутқ услубининг ўзига хос хусусияти деб қараш керак бўлади. Чунки ана шундай имконият бошқа вазифавий услубда чегаралангандир. Вазифавий услубнинг ҳеч бирида тил ўзининг тузилиш жиҳатлари, луғат таркиби, яъни сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларда қўлланиши, сўзларнинг маъно бойлиги ва ранг-баранглигини бадиий нутқ услубидагичалик намойиш қила олмайди. Анафора, катафора ҳодисалари бадиий адабиётнинг барча жанрларида қўлланади ва бадиий нутқда ўзига хос хусусият касб этади. Анафора наср ва назмда ҳар бир сатр бошида такрорланиб келувчи стилистик шакл ҳисобланади. Макон дейксиси ҳам анафорик хусусиятга эга. Бадиий матнларда макон дейксисининг анафорик шакли матндаги қайсидир бўлак эмоционаллигини кучайтиради, воқеаларнинг муайян маконда содир бўлишини билдириб, матн мазмунини белгиловчи

урғу вазифасини бажаради. Масалан, француз тилида: *Celui-ci était immobile, debout vers le milieu de la chambre,* ***là*** *où l'avait laissé le portier, qui était ressorti en fermant la porte* [10. Б. 381]. *Un jour, il eut l'idée de me conduire dans cette église de Dijon où j'ai fait ma première communion.* ***Là,*** *il osa parler le premier*... [10. Б. 483], ўзбек тилида: *Уларнинг учрашадиган жойлари ё тўғон боши, ё унга яқин катта-кичик булоқлар ялтиллаб турган толзор, ёки бўлмаса олмазорнинг этаги эди.* ***Шу ерлардаги*** *ҳар бир сўқмоқ, ҳар бир тош энди уларга таниш ва қадрдон бўлиб қолган эди* [11. Б. 30]. *Улар икки километрча юриб, канал бўйига чиқишди.* ***Шу ерда*** *қишлоқ тугаб, кенг экинзор бошланарди* [11. Б. 6].

Катафора анафоранинг зидди ҳисобланиб, нутқда ёки матнда аввал ишора билдирувчи катафора, сўнгра матн давомида унинг референти келтирилади. Катафора мазмунини аниқлаш учун матн давомига мурожаат қилинади. Масалан, француз тилида**:** ***Là,*** *Julien fut laissé seul; il était atterré, son cœur battait violemment; il eût été heureux d'oser pleurer. Un silence de mort régnait dans* ***toute la maison*** [10. Б. 380]. ***Là,*** *il quitta en soupirant son bel habit bleu de ciel, son sabre, ses épaulettes, pour reprendre* ***le petit habit*** *noir râpé* [10. Б. 240]; ўзбек тилида: *Врачга мурожаат қилгим келмаяпти. Уяламан. Кейин,* ***бу ерда. Қўқонда*** *дадамни билишади* [11. Б. 92]. ***Шу ердан*** *ўтаётиб, кабоб ҳиди димоғига урилибди-да,* ***кабобхонага*** *кўтарилибди* [11. Б. 35].


Матнларда энг кўп қўлланилувчи стилистик шакл эпифорадир. У асарлардаги жумлалар охирида такрорланиб, қофиялантириш хусусияти билан анафорага нисбатан юқори даражани эгаллайди. Дейксиснинг эпифора шаклида қўлланилиши ифодалаётган фикрни аниқлаштиради. Бу шаклнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири эмфатик урғу олишидир. Эмфатик урғу бу назмда сатрларни бир-биридан ажратиб (мелодика ҳисобига, яъни, сатр бошидан кўтарилиб, охирига томон тушиб борадиган оҳанг), ўзига хос ритм ҳосил қилади. Сатр охирида дейксислар такрори ритмга ўзига хос оҳанг беради.

Француз тилида: *Après-demain matin, ce tailleur vous portera deux habits; vous donnerez cinq francs au garçon qui vous les essaiera. Du reste, ne faites pas connaître le son de votre voix à ces* ***Parisiens-là*** [10. Б. 528]. *Ce mot fut le der-nier soupir de sa reconnaissance pour M.de La Mole qui, malgré lui, le tourmentait* ***jusque-là*** [11. Б. 704]; ўзбек тилида: *– Сулаймон ота ёлғон гапирмаган. Роҳатижон жой бўлади* ***бу ер*** [11. Б. 104]. *– Ҳа. Самад макет тайёр бўли-ши билан кечаси Нурмат аканинг кабинетига олиб бориб қўйди. Ҳар куни эрталаб актив йиғиладида* ***у ерга*** [11. Б. 67].

Маконни ифодаловчи дейктик бирликлар француз ва ўзбек тилларидаги матнларда эндофорик ва экзофорик боғловчи сифатида қўлланилиши қуйидаги дейксис турларини ҳосил қилади.

1-жадвал

Дейксиснинг эндофорик ва экзофорик боғловчилар ифодаланишига кўра турлари



Макон дейксисининг экзофорик боғловчи сифатида қўлланиши “иккиламчи дейксис”ни ҳосил қилади. Шу ўринда Ю.Д.Апресян қўллаган “бирламчи дейксис” атамасини ёритиш ўринлидир. Олим бу атамани К.Бругманнинг дейксиснинг уч турида келтирган биринчи тури кўриш майдонига ишора қилувчи бирликларга ёндашиб келтиради [12. Б. 276]. Идрок доирасидаги дейксис “иккиламчи дейксис” бўлиб, сўзловчи кўриш доирасида мавжуд ва контекстда эслатиб ўтиладиган, яъни тингловчига маълум предмет, шахс, макон, замон назарда тутилади [12. Б. 276]. Экзофорик муносабат матнда аввал қўлланган маконга ишора қилиши, эслатиши билан характерланади.

Н.А.Серебрянская ўз изланишларида кузатувчи турган жойдан келиб чиқиб, белгиланган объект маконининг субъектив узоқ ёки яқин эканини ифодаловчи тил бирликлари семантикасида дейксисга эксплицит ёки имплицит ҳавола сифатида қарайди [13. Б. 506]. Олим дейксис нутқда ўз ифодасини топишига кўра прагматикага тегишли эканлигини, анафора эса матн таркибида қатнашишига кўра семантика ва синтаксисга тегишли эканлигини айтади. И.В.Коровина эса дейксис марказ ҳақида сўз юритиб, матннинг дейктик маркази бўлиб дейктик хусусиятга эга элемент ҳисоблайди, у матннинг олдинги ва кейинги қисмларига ишора қилади дея таъкидлайди. Бунда олим жумлада дейктик ишора векторини аниқлаш зарурлиги ва дейктик векторга икки йўналиш мос бўлиб, улар антецедентга ишора анафора ва субсеквентга ишора катафора эканлигини аниқлайди [14. Б. 190]. С.М.Петренко ўз тадқиқотида дейксиснинг дейктик локализаторлар ёрдамида анафорик ва катафорик ишора хусусиятларини ёритади [15. Б. 83–89]. Олим бу борада У.П.Чилтоннинг “Language. Space and Mind: The Conceptual Geometry of Linguistic Meaning” (“Тил. Сатҳ ва онг. Лингвистик маънонинг концептуал геометрияси”) номли рисоласида макон когницияси ҳақидаги оддий геометрик принциплар асосида янги фикрларини келтиради. У ҳар бир сўзловчи борлиқда ва тафаккурда ўз нуқтаи назари аслий ва шаклий жиҳатдан шаклланган, борлиқда ўз макон танловига таянувчи концептуализатор ҳисобланишини асослайди [16. Б. 325]. Бунда макон дейктикларини тушунишда тил ва тафаккур муносабатларини бир бутун қилиб англаш тўғри бўлади. Олимнинг дейктик марказни аниқлаш ҳақидаги фикри анафора ва катафоранинг матндаги ўрнини белгилашда аҳамиятлидир. Масалан, француз тилида: ***Loin de là**, il resta ferme au salon, ses regards ne se tournèrent pas même vers le jardin* [10. Б. 864]. *Malheureusement, le jeune Russe avait voulu être léger comme Dorat, **là où** il eût fallu être simple et intelligible; Julien ne put deviner la position morale qu’il devait occuper au dîner de la maréchale* [10. Б. 878]. *Cet amour-là ne cédait point bassement aux obstacles, mais, bien **loin de là**, faisait faire de grandes choses* [10. Б. 674]. Бунда *là* дейктик марказ ҳисобланиб, унга қўшимча маълумот берувчи *Loin de*, *où* анафора вазифасини бажармоқда. Дейктик марказни ифодаловчи бирлик матнда барча макон бирликларини ўзига қаратиб олади. Бунда бирликларнинг антецедентига ёки марказга нисбатан ўрнига кўра дейксиснинг анафорик ёки катафорик қўлланиши аниқланади.

Анафора дейктик бирликлар иштирокига кўра 2 га бўлинади.

2-жадвал

Анафора турлари

Контакт анафора – бунда дейктик бирлик ва реализатор оралиғи яқин масофада бўлади.	**Дистант анафора** – бунда дейксис ва реализатор ўртасида гаплар, абзацлар сони кўп бўлади.

Юқоридаги мисолларда контакт анафорик қўлланишда *ici* ва ўзбек тилида *бу ер* равишлари, яъни яқинга ишора бирликлари ишлатилса, дистант анафорик қўлланишга француз тилидаги *là-bas,* ўзбек тилида узоққа ишора қилувчи *у ер* дейксислари хосдир. Ишора сўзлар ва реализатор орасида бир неча гапларнинг берилиши масофани ҳосил қилмоқда.

Анафорик қўлланиш реализатор иштирокига кўра ҳам иккига бўлинади.

1) реализатор иштирок этадиган анафорик шакл бадиий матнларда қўлланади. Анафоранинг ўзи реализатор иштирокини тақозо қилади. Ўзбек тилида: *Заргаров қийқириб кулди ва* ***бунга ҳам қаноат қилмай,*** *ўрнидан туриб ўйинга тушди.* (А.Қаҳҳор) Француз тилида бундай ҳолат кузатилмади. Бу тилда доим сўз тартиби сақланади, эга тушиб қолдирилмайди.

2) реализатор иштирок этмайдиган анафорик қўлланиш. Бу ҳодисани Е.Падучева соф дейксис билан анафора ўртасидаги "оралиқ имконият" деб атайди. Бу ҳолат матн таркибида кам учрайди. Француз тилида: *Il est inutile d'avertir le lecteur de ne pas prendre au pied de la lettre les figures que nous sommes obligé d'employer* ***ici*** *pour exprimer cet accouplement singulier, symétrique, immédiat, presque consubstantiel d'un homme et d'un édifice. Il est inutile de dire également à quel point il s'étaitfaite familière toute la cathédrale dans une si longue et si intime cohabitation.* ***Cette demeure*** *lui était propre* [17. Б. 160]. Бу матнда ***cette demeure*** бирлиги инсон ва яшаш жойи ҳақида фикрлашга ундайди. Бирликнинг бу шакли дейксис ва референтдан иборатдир.

Ўзбек тилида: *Тўқай устига тун қоронғилиги аста бостириб келаётган пайтда у қамишлар орасидан чиқди. Боя машина овози келган тарафга юра бошлади. Йўл яқингинада экан. Онда-сонда от ё эшак минган, гоҳо велосипед эгарига бедами, ўтми ортган кишилар учрарди. Қоронғи тушганидан биров бировни танимасди. Акбарали разм солиб қараса,* ***бу Андижондан Олтинкўл орқали Чинободга ўтадиган катта йўл*** *экан* [18. Б. 244]. Мисолда ўқувчи матнда қайси макон ҳақида гап кетаётганини аниқлаш учун кейинги сатрларга ўтади ва *катта йўл,* яъни *Андижондан Олтинкўл орқали Чинободга ўтадиган катта йўл* референти орқали маънони тушунади. М.Ҳамроев анафора антеценд билан келса, дейксис фақат референт билангина келади, дея таъкидлайди.

Француз ва ўзбек тилларида локатив адессив, локатив аблатив, локатив аллатив семалари мавжуд.

Француз тилида улар қуйидаги ҳолларда кузатилади.

1) Локатив семадаги локатив маънонинг адессив, аллатив, аблатив вариантлари қўлланилганда маконга ишора қилувчи *ici* равиши анафорик ҳодиса сифатида ифодаланади.

а) *–* ***C'est le Grand Maître?*** *– Non! Mon père n'est jamais venu* ***ici*** [19. Б. 268]. *Je deviens fou et injuste, se dit Julien en se frappant le front. Je suis isolé* ***ici dans ce cachot****; mais je n'ai pas vécu isolé sur la terre; j'avais lapuissante idée du devoir* [10. Б. 1068]**.**

б) *Pour la deuxième phase d'apprentissage elle lui fit découvrir le deuxième sous-sol, la zone dite* ***«des laboratoires».*** *–* ***Ici*** *nous étudions l'humour scientifiquement. Cette machine, c'est un scanner à Rayons X, il permet de voir l'intérieur du corps humain* [19. Б. 268]. *Si madame de Rênal était* ***ici, dans mon cachot****, au lieu de Mathilde, aurais-je pu répondre de moi?* [10. Б. 1039].

в) *– Oui, répondis-je, puisque nous allons* ***du côté du soleil,*** *et* ***ici*** *le soleil, c'est le nord* [19. Б. 268]. ***Au sortir d'ici****, pensa-til, elle va écrire à madame de Rênal* [10. Б. 1026].

Келтирилган мисолларда локатив адессив, локатив аллатив, локатив аблатив синтаксемалари анафораси *ici* макон дейксиси билан ифодаланмоқда. Бадиий матнларда муаллиф сўзловчи, ўқувчи тингловчи ҳисобланиб, матндаги воқеа, иш-ҳаракат макони ҳар иккаласи учун ҳам узоқдалигини билдиради.

2) Локатив семадаги адессив, аллатив, аблатив вариантлари ***là*** макон дейксиси ёрдамида ифодаланади.

a) *Quand je songe qu'avant quelques jours, le Nautilus va se trouver* ***à la hauteur de la Nouvelle-Ecosse, et que là,*** *vers Terre-Neuve, s'ouvre une large baie, que dans cette baie se jette le Saint-Laurent, et que le Saint-Laurent, c'est*

mon fleuve à moi, le fleuve de Québec, ma ville natale; quand je songe à cela, la fureur me monte au visage, mes cheveux se hérissent [19. Б. 268]. *J'ai quinze francs huit sous d'économies, je me sauve cette nuit ; en deux jours, par des chemins de traverse où je ne crains nul gendarme, je suis* ***à Besançon****;* ***là,*** *je m'engage comme soldat, et, s'il le faut, je passe en Suisse* [10. Б. 67].

b) *Nous étions arrivés* ***à un premier plateau****, où d'autres surprises m'attendaient encore.* ***Là*** *se dessinaient depittoresques ruines, qui trahissaient la main del'homme, et non plus celle du Créateur* [20. Б. 627]. *À peine le roi fut-il* ***à l'église,*** *que Julien galopa vers la maison de M. de Rênal.* ***Là,*** *il quitta en soupirant son bel habit bleu de ciel, son sabre, ses épaulettes, pour reprendre le petit habit noir râpé* [10.Б. 240].

c) *C'étaient ces mêmes parages où le capitaine Denham* ***de l'Heraldfila quatorze mille mètres desonde sans trouver le fond. Là*** *aussi, le lieutenant Parcker de la frégate américaine Congress n'avait pu atteindre le sol sous-marin par quinze mille cent quarante mètres* [20. Б. 671]. *Enfin, malgré son âge, celui-ci sauta lestement* ***sur l'arbre*** *soumis à l'action de la scie, et* ***de là*** *sur la poutre transversa le qui soutenait le toit* [10. Б. 61].

Мисоллардаги маконга ишора қилувчи а) ***à la hauteur de la Nouvelle-Ecosse, б) à un premier plateau, c) de l'Herald fila quatorze mille mètres de sonde sans trouver le fond*** синтактик бирликларга ишора қилувчи ***là*** макон равиши анафорик вазифа бажармоқда.

3) *Où* нисбий олмоши ёрдамида. Бу олмош француз тилида деярли қўшма гапларда келади. Бош гапдаги субъект ёки шахснинг бажарган иш-ҳаракатини маконга ишора қилиши ва бирор-бир иш-ҳаракатнинг маконда содир бўлганини билдиради.

1) *Mais, alors que, si elle eût retrouvé à Pierre fonds quelque indifférent, elle lui eût dit joyeusement: «Tiens, vous ici!», et lui aurait demandé d'aller la voir* ***à l'hôtel où*** *elle était descendue avec les Verdurin, au contraire si elle l'y rencontrait, lui, Swann, elle serait froissée, elle se dirait qu'elle était suivie, elle l'aimerait moins, peut-être se détournerait-elle avec colère en l'apercevant* [21. Б. 231]. *Tous les yeux étaient fixés sur une table, où Julien aperçut, dans un plat d'étain, trois petits bouts de bougie allumés* [10. Б. 339].

2) *Anxieux, irrité, il alla* ***dans la petite rue où*** *donnait l'autre face de l'hôtel, se mit devant la fenêtre de la chambred'Odette; les rideaux l'empêchaient de rien voir, il frappa avec force auxcarreaux, appela; personne n'ouvrit* [21. Б. 219]. *M. de Rênal laissa sa femme* ***dans la première boutique*** *de nouveautés* ***où*** *elle entra, pour aller faire quelques visites* [10. Б. 329].

3) *D'ouvrir! alors Forcheville était là tantôt quand Swann avait sonné et elle l'avait fait partir,* ***d'où*** *le bruitqu'il avait entendu* [21. Б. 223]. *L'oncle de M. de Luz avait une grande charge* ***auprès du roi, d'où*** *il résultait que ce bel officier plaçait au commencement de sa conversation, avec chaque interlocuteur qui survenait, cette particularité piquante: son oncle s'était mis en route à sept heures pour Saint-Cloud, et le soir il comptait y coucher* [10. Б. 785].

Макон ифодаловчи *en, y, partout, null part* кабилар ҳам ўринга ишора қилиши билан характерланади. Бундай макон равишлари қатнашган гапларда анафора ёки дейктик маъно юқорида таъкидлаганидек, антеценд ва референт иштирокига кўра фарқланади.

Ўзбек тилида ҳам макон ифодаловчи бирликлар стилистик воситалар сифатида қўлланилади. Улар гапнинг бошида ёки ўртасида келиб от билан ифодаланади. Субстанциал локатив синтаксема антецеденти эса, ўрин равишлари ва ўрин равишларига ўрин-пайт

келишик қўшимчалари қўшиш ёрдамида ифодаланади [15. Б. 119].

1) *Ана ўша кундан бери Акбарали* ***чайлада.*** *Қайниси қишлоққа тушганда нима гаплигини билиб чиқди. Аммо Акбарали унга, менинг* ***бу ердалигимни*** *ҳеч ким билмасин, опангга ҳам айтма, деб тайинлаган* [18. Б. 245]. ***Бу ерда*** *қолишни истамайман! Тушунасанми, Абдулла?! Шаҳарга кетишни истайман,* ***шаҳарда*** *ўқигим келади* [11. Б. 18]. 2) ***Найманликлар*** *баҳорнинг ана шундай кунларини кечиришаётган эди. Уларнинг* ***бу ерга*** *келишганига икки ярим ойдан ошиб қолди* [18. Б. 402]. – *Ўқиётган* ***шаҳрингиз*** *яхшими? – Жуда ҳам. – Мен ҳам катта бўлсам,* ***ўша ерга*** *бориб ўқийман. Дадам шундай деяптилар. Аямлар ҳам розилар* [11. Б. 66].

3) *Айланиб яна ўша,* ***синглисининг қонини тўккан жойдан*** *чиқибди-ку. Одамларнинг қотилни қон тортади, тўккан қони чақираверади, деган гаплари ростга ўхшайди. Акбарали ҳозиргина* ***шу ердан*** *қочган эди* [18. Б. 176]. *Тўртинчи курсга ўтганда эса, барча юқори курсдагилар қатори, унга* ***бешинчи қаватдан*** *алоҳида хона ажратиб беришди.* ***Бу ердан*** *шаҳарнинг деярли ярми яққол кўриниб турарди* [11. Б. 71]. Келтирилган мисолларда *чайлада*, *найманликлар*, *синглисининг қонини тўккан жойдан* бирликлари субстанционал локатив аблатив, локатив аллатив, локатив адессив синтаксемани билдиради, уларнинг антецценти (*бу ерда, бу ерга, шу ердан*) орқали ифодаланмоқда. Н.Сулаймонова ўзбек тилида бундай синтаксемаларнинг бошқа тиллардан фарқли трансформация усули орқали уларнинг бир-бирига мутаносиб ёки номутаносиблигини исботлайди. Юқорида келтирилган мисоллар номутаносиблик касб этади, чунки уларнинг ўрни алмашса, маъно-мазмун йўқолади. Олима таъкидлаган мутаносиблик ҳолати қуйидаги мисолларда ўз аксини топган: ***Бу маконда*** *туғилган ўғлонлар кураги ерга тегмайди.* ***Бу ерда*** *буюк аждодларимиз яшаган.* → ***Бу ерда*** *туғилган ўғлонлар кураги ерга тегмайди.* ***Бу маконда*** *буюк аждодларимиз яшаган*. Мисолда келтирилган *бу маконда* ва *бу ерда* макон бирликлари трансформациянинг алмаштириш усулидан фойдаланиб, уларнинг бир-бирига мутаносиблигини кўриш мумкин [22. Б. 121]. Француз тилида бу ҳолатнинг қисман учраши кузатилди. Демак, трансформацион алмаштириш ҳар икки тилга хосдир. Француз ва ўзбек тилларида макон дейксиси стилистик услубларнинг барча турларида ўз хусусиятларини намоён этишини чуқур ўрганиш матн учун алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса

Хулоса қилсак, француз ва ўзбек тилларида макон дейктик бирликларининг нутқ услубларидаги ўрнини ўрганиш стилистик ва нутқ маданияти билимларига эга бўлишни тақозо этади. Макон дейксисининг матн категорияларидан ҳисобланган стилистик шакллар билан боғлиқлигига дейксиснинг матнда воқеланиши, маконни сўзловчи турган ўринга нисбатан мослаштириш усули сифатида қаралади. Макон дейксисининг матнларда эндофорик ва экзофорик боғловчи сифатида қўлланганлиги бирламчи ва иккиламчи дейксисни ҳосил қилади. Бирламчи дейксисда кўриш майдонига ишора тушунилса, иккиламчи дейксисда сўзловчининг идрок доираси, яъни матнда эслатиб ўтилган макон назарда тутилади. Услубий хосланишда макон дейксисининг ўзига хос хусусиятлари ҳар бир услуб қонуниятларидан келиб чиқиб, ўз ўрнига эга эканлигини намоён қилди. Бундай тил воситаларини функционал услублар доирасида таҳлил қилиш тилда мазмунни нутқ вазиятига мос равишда танлаш имконини яратишга кўмаклашади. Функционал услубшунослик тил бирликларининг қўлланиш соҳалари, стилистик норма ва функционал услубларнинг услубий-нутқий тузилишини назорат қилади.

Адабиётлар:

1. *Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ*. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б. [Интернет манба]. URL: www.ziyouz.com kutubxonasi (Мурожаат этилган сана: 20.03.2020)
2. *Мамажонов А. Розиқова Г.* Стилистика – ифодали нутқ тизими // Scientific journal of the Fergana State, 2018. – № 4. – Б. 69–71.
3. *Исламджанова Х.И.* Обнаружение говорящего в высказывании. Автореф. дисс. … док. филол. наук. – Ташкент, 2000. – 32 с.
4. *Halliday M.A.K., Hasan R.* Cohesion in English. London-New York: Longman, 1976. 15th ed. 1997. – 347 p.
5. *Marmaridou, Sophia S.A*. Pragmatic Meaning and Cognition. – Amsterdam, Philadelphia: J. Benjamins Publishing, 2000. – 322 p.
6. *Шамова Г.А*. К типологии функционирования дейктических средств: Автореф. дисс... канд. филол. наук. Пермь, 1992. – 19 с.
7. *Арутюнова Н.Д*. Референция и проблемы текстообразования. /Сб. науч. тр. «Логический анализ языка». – Москва: Институт языкознания АН СССР, 1988. – 238 с.
8. *Кисёлов Д.А.* Француз тили мустақил сўз туркумлари репрезентатив функциясининг дискурсив-прагматик жиҳатлари: Филол. фан. докт. (DSc) дисс... автореф. – Тошкент, 2019. – 71 б.
9. *Breht R.D.* Deixis in embedded structures // Foundations of Language. International Journal of Language and Philosohy, 1974. – Vol. 11. – No 4. – Pp. 489–518.
10. *Stendhal M.H.B*. Le Rouge et le Noir. La Bibliothèque électronique du Québec. – Paris, 1987. – 1086 p.
11. *Умарбеков Ў*. Одам бўлиш қийин. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 111 б.
12. *Апресян Ю.Д.* Дейксис в лексике и грамматике и наивная модель мира. – Москва: Языки русской культуры, 1995. – 276 с.
13. *Серебрянская Н.А*. Дейксис и его проекции в художественном тексте: Дис... д-ра филол. наук. – Волгоград, 2005. – 506 с.
14. *Коровина И.В*. Параметры дейктической процедуры в англоязычной научной коммуникации: Дисс... канд. филол. наук. – Саранск, 2011. – 190 с.
15. *Петренко С.А.* О роли пространственных дейктических элементов в дискурсе художественного текста (на материале английского языка) – С.83-89. [Электронный ресурс]: URL: https://www.pglu.ru/upload/iblock/a62/statya-_14_.pdf (Дата обращения: 2.04.2020)
16. *Chilton P.* Language. Space and Mind: The Conceptual Geometry of Linguistic Meaning. – Cambridge University Press, 2014. – 325 p.
17. *Hugo V.* Notre-Dame de Paris. – Édition du groupe «E-books libres et gratuits». 2006. – 689 p. [Online]. URL: http ://www.crdp-strasbourg.fr/je_lis_libre/livres/Hugo_NotreDameDeParis.pdf (Date of access: 27.01.2020.)
18. *Саид Аҳмад*. Уфқ. Трилогия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 687 б.
19. *Werber B*. Paradis sur mesur. – Paris: Éditions Albin Michel et Bernard Werber, 2008. – P. 376.
20. *Verne J.* Vingt mille lieues sous les mers. – La bibliothèque électronique du Québec. – 924 p. [Online]. URL: https://beq.ebooksgratuits.com/vents/Verne-mers.pdf (Date of access: 27.01.2020.)
21. *Proust M*. Du côté de chez Swann. — Ligaran, 2015. – 345 p.
22. *Сулаймонова Н*. Локатив синтаксемаларнинг воситалари ва уларнинг хусусиятлари // Илмий ахборотнома, 2016. – № 4. – Б. 119–122.

STYLISTIC CHARACTERIZATION OF SPACIAL DEIXIS IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES

M.S. Ishanjanova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 1 (61). 119-128.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: stylistics, speech styles, anaphora, cataphora, epiphora, referent, endophoric, exophoric attitude

Stylistics is a field that studies the degree of originality of language means to the style of speech, which one is appropriate to apply in texts according to the coloring nature of words, and theoretical and practical basis for solving issues of speech culture as well.

In linguistic research, it is stated that the object can exist in a process other than the text of communication and the text. The authors of these ideas about the theory of the location of the reference are M.A.K.Hallidey and R.Khasan tried to establish the difference between a situational reference located outside the discursive area of the endophore or an anaphoric unit reference. Scientists estimate this approach anaphora and cataphora as a component of the endophore and contradict deixis to it. It is believed that if a suitable antesedent research is needed to determine the reference of the anaphoric unit, it is necessary to find an alternative position in the direct extralinguistic situation that corresponds to it to reveal the reference of the deictic unit.

There are two types according to the methodological characterization of the referent: a) endophoric, b) exophoric. The endophore is a word or sentence that is enclosed in text. Anaphora and cataphora are types of endophoric relationship.

The fact that the deictic units representing the space are used as endophoric and exophoric connector in French and Uzbek texts forms the primary and secondary types of deixis.

The sign forms the distance between the words and the realizer of several sentences. Anaphoric application is also divided into two in accordance with the participation of the realizer: 1) the anaphoric form in which the realizer participates, these are used in literature texts. 2) anaphoric application where the realizer is not involved. E.Paducheva calls this phenomenon the "intermediate opportunity" between original deixis and anafora.

In French and Uzbek there are types of meaning as locative adessive, locative ablative, locative allative. This is mainly emphasized by the direction of space.

Also in the Uzbek language, the units that represent space are used as stylistic means. They come in the beginning or middle of the sentence and are represented by a horse. The antecedent of the substantsial locative syntax is expressed by the addition of the adverbs of the place and the adverbs of the place-moment consonants.

The study of the position of spatial units in the speech styles in French and Uzbek languages requires the acquisition of knowledge of stylistic and speech.

References:

1. Shomaqsudov, A. (et.al) (1983) O‘zbek tili stilistikasi [Stylistics of the Uzbek language]. Tashkent: O‘qituvchi. [Online]. URL: www.ziyouz.com (Date of access: 20.03.2020)

2. Mamajonov, A. Roziqova, G. (2018) Stilistika – ifodali nutq tizimi [Stylistics-expressive speech system]. Scientific journal of the Ferghana State. No 4. Pp. 69-71.

3. Islamdzhanova, H.I. (2000) Obnaruzhenie govoryashchego v vyskazyvanii [Detection of the speaker in the utterance]. Abstract of dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences. Tashkent

4. Halliday, M.A.K., Hasan, R. (1976) Cohesion in English. London-New York: Longman.

5. Marmaridou, Sophia S.A. (2000) Pragmatic Meaning and Cognition. Amsterdam, Philadelphia: J. Benjamins Publishing.

6. Shamova, G.A. (1992) K tipologii funkcionirovaniya dejkticheskih sredstv [On the typology of the functioning of deictic means]. Abstract of dissertation for the degree of Candidate of Philological Sciences. Perm'.

7. Arutyunova, N.D. (1988) Referenciya i problemy tekstoobrazovaniya [Reference and problems of text formation]. In: Sbornik - nauchnyj trud. ‘Logicheskij analiz yazyka’ [Collection - scientific work. ‘Logical analysis of the language’]. Moscow: Institut yazykoznaniya AN SSSR.

8. Kisyolov, D.A. (2019) Frantsuz tili mustaqil so'z turkumlari reprezentativ funktsiyasining diskursiv-pragmatik jihatlari [French language independent word categories discursive-pragmatic aspects of the reprezentative function]. Abstract of dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences. Tashkent.

9. Breht, R.D. (1974) Deixis in embedded structures. Foundations of Language. International Journal of Language and Philosohy. Vol. 11. No 4. Pp. 489-518.

10. Stendhal. 1987 Le Rouge et le Noir. La Bibliothèque électronique du Québec. Paris.
11. Umarbekov, O‘. (2007) Odam bo‘lish qiyin [It's hard to be human]. Tashkent: Shark.
12. Apresyan, Yu.D. (1995) Dejksis v leksike i grammatike i naivnaya model' mira [Deixis in vocabulary and grammar and the naive model of the world]. Moscow: Yazyki russkoj kul'tury.
13. Serebryanskaya, N.A. (2005 Dejksis i ego proekcii v hudozhestvennom tekste [Deixis and its projections in a literary text]. The Dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences.Volgograd.
14. Korovina, I.V. (2011 Parametry dejkticheskoj procedury v angloyazychnoj nauchnoj kommunikacii [Parameters of the deictic procedure in English scientific communication language]. The dissertation for the degree of Candidate of Philological Sciences. Saransk.
15. Petrenko, S.A. (2015 O roli prostranstvennyh dejkticheskih elementov v diskurse hudozhestvennogo teksta (na materiale anglijskogo yazyka [On the role of spatial deictic elements in the discourse of a literary text (based on the material of the English language]. Pp.83-89. [Online]. URL: https://www.pglu.ru/upload/iblock/a62/statya-_14_.pdf (Date of access: 2.04.2020
16. Chilton, P. (2014 Language. Space and Mind: The Conceptual Geometry of Linguistic Meaning. Cambridge University Press.
17. Hugo, V. Notre-Dame de Paris. – Édition du groupe «E-books libres et gratuits». 2006. – 689 p. [Online]. URL: http ://www.crdp-strasbourg.fr/je_lis_libre/livres/Hugo_NotreDameDeParis.pdf (Date of access: 27.01.2020.
18. Said Ahmad. (1976) Ufq. Trilogiya Horizon. Trilogy]. Tashkent: Adabiyot va san’at.
19. Werber, B. (2008) Paradis sur mesur. Paris: Éditions Albin Michel et Bernard Werber.
20. Verne, J. Vingt mille lieues sous les mers. La bibliothèque électronique du Québec. [Online]. URL: https://beq.ebooksgratuits.com/vents/Verne-mers.pdf (Date of access: 27.01.2020.)
21. Proust, M. (2015) Du côté de chez Swann. Ligaran.
22. Sulaymonova, N. (2016) Lokativ sintaksemalarning vositalari va ularning xususiyatlari [Means of locative syntaxemes and their properties]. SamDU ilmiy axborotnomasi. No 4. Pp. 119-122.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Ишанжанова Муносибхон Саидаҳмадовна – Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Андижон давлат университети Француз тили ва адабиёти кафедраси доценти в.б. E-mail: munosib77@mail.ru